


# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
 келажаги  
 буюк  
 давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 15 март, №60 (3172) Шанба

Олий Мажлисида



## Маҳалла — аҳил оила

Юртимизда “Обод маҳалла йили”нинг дастлабки чораги ҳам поёнига етиш арафасида. Хўш, ўтган вақт мобайнида маҳаллаларимизнинг янада обод бўлиши, унинг ҳар бир фуқаронининг иккинчи оиласига айланиши учун нима ишлар қилинди? Давлат дастурининг ижроси йўлида қандай муаммоларга дуч келинмоқда ва уларни ҳал этиш учун нима қилинади? Қолаверса, бу муҳим ижтимоий-сиёсий мавзу Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилмоқда? Шу ва шу каби саволлар кеча Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ташкил этган “Маҳаллам менинг — оилам менинг” мавзусидаги семинарида қатнашчилар томонидан кўндаланг кўйилди.



Иси Ҳ.Хошимов кириш сўзи билан очиб, маҳалланинг дунёда ўхшаши йўқ ижтимоий институт эканлигини таъкидлади. Бу борада матбуот нашрлари, радио ва телевиденининг беқийс ўрин тутишини уқтирди. “Маҳалла” хайрия жамғарма-

си ҳамда Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарлари, Узелтелерадиокомпанияси, “Халқ сўзи” ва “Маҳалла” газеталари, “Оила” илмий-амалий маркази вакиллари кун тартибидagi масала юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этишди.

Қатнашчилар асосий эътиборни кучли давлатдан кучли жамият сари бориш йўлида эскича қарашлардан ҳоли бўлиш, маҳаллага ўзини ўзи бошқариш идорасига муносиб ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, зарур бўлса мавжуд қонунларга ўзгартиш киритиш кераклигига қаратдилар. Семинарда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган бўлди.

Семинарни қўмита ра-

Ъз мухбиримиз.



## Наврўз нафраси

Қадимий Самарқандга ҳам навбўҳор кириб келди. Наврўз эса эшик қоқмоқда. Шу боис вилоят аҳли бу байрамга алоҳида тейёргарлик кўрапти. Барча шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўсаламзорлаштириш ишлари жадал олиб борилаётган. Айниқса, Самарқанд туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида бу борадаги юмушлар ибртли. Богбонлар ҳозирга қадар 1500 тунгилас, ўрик, нок, олхўри ва хурмо дарахти кўчатлари эдилар. Соҳибдорлар эса 550 гектар майдондаги тоқзорларни очиб ва шакл бериш тадбирларини низоҳисга етказмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: «Менинг бу кўчатларим ҳадемай илдиш отиб, ҳосил беради», — дейди Низоом бобо Султоновнинг невараси Қаримжон; отахонлар Низоом Султонов ва Турсунбой Солиқов дарахтга шакл бермоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## Қоғозда қолган ... тераклар

1994 йилдаги ҳукумат қарорига кўра ҳар йили мамлакатимизда 9 минг гектар ерда терак ва бошқа тез ўсувчи ёғочбop дарахтзорлар барпо этиш белгиланган. Агар ўтган тўққиз йил давомида экилган дарахтлар қарорда айтилганидек, парвариш қилинганда эди, бугунга келиб 81 минг гектар майдонда терак ва бошқа дарахтлар қад ростлаган бўларди. Бу ўз навбатида халқимизнинг ёғоч ва тахтага бўлган эҳтиёжини қондирган ва анчагина маблагини тежаш имконини беради.

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда мавжуд ўрмонзорлар 8 миллион гектардан зиёд бўлиб, унинг 2,37 миллион гектари бевосита дарахтлар билан қопланган. Бу кўрсаткич республика ҳудудининг 5,3 фоизини ташкил қилади. Шу боис бизда ўрмонзорларни кўпайтириш ва уларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилди. Ўрмонлар эса низоҳатда катта аҳамиятга эга бўлиб, улар сувларни тежаш, иқлимни муътадиллаштириш вазифа-

ларини бажаради. Шунингдек, қўм кўчиси, сел келиши, сув тошқинларининг олдини олиб экологик вазиятни юмшатади.

Юртимизда март-апрель ва ноябрь-декабрь ойлари кўчат экиш мавсуми ҳисобланади. Айни пайтда ушбу юмуш бошлаб юборилди. Мазкур вазифа билан бевосита шуғулланган республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси мутахассисларининг маълум-

га қайта кўчат экиш ҳоллари ҳам учрайди.

Узоққа бормади, пойтахт вилоятидаги Тошкент-Бекобод йўлини олиб кўрайлик. Бу йўл атрофига йилга йил ҳолатлар ўтказилади. Лекин маълум муддат ўтгандан кейин уларни мол ёйди, болалар синдиради ёки қаровsizликдан қўрийдилар. Бундай ҳолларни Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Навойи ва бошқа вилоятларда ҳам кузатиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси 1994 йили 8 февралда «Сафоноат теракчиликни ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбop дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Унда 10 йилга мўлжалланган дастурга кўра, республикамизда ҳар йили 9 минг гектар майдонга кўчат экилиши белгиланган. Бу борада 1994-1996 йиллар давомида бирмунча ишлар амалга оширилди. Бироқ кейинчалик мазкур вазифа ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мисол учун, 1994-2002 йилларда Хоразм, Сурхондарё,

(Давоми 2-бетда).

## ҚУРИЛИШДА ИШ ҚИЗГИН

Қўнғирот сода заводи қурилиши тобора жадаллашмоқда. Йилига юз минг тонна қимматбаҳо хомашё — кальцийланган сода ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу қорхона қурилишида бу йил ўн олти миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Айни пайтда заводнинг асосий ишлаб чиқариш бинолари қурилмақда.

қурилишида бўлди. Қурилишга алоқадор вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда қурилиш материаллари таъминоти, транспорт хизмати ва бошқа масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, иншоотни белгиланган муддатда қуриб битказишга дахлдор вазибалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида завод

Ингилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

Аминбой ОРТИҚБОВ,  
 ЎЗА мухбири.

## Пойтахтимизда

### Кенгаш йиғилиши

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ингилиши Бош вазир ўринбосари, мазкур кенгаш раиси Х.Кароматов бошқарди.



Мажлисида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2001-2002 йиллардаги фаолияти ҳақида кенгаш масъул котиби — “Маънавият ва маърифат” маркази раҳбари А.Болнев ҳисоботи тингланди.

Ингилишда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва таъмоилларини, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ долзарб вазибалар муҳокама этилди. Бугунги мураккаб даврда ёш афлонди соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш, юртимизда қарор топган тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳам-жиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, одамларда ватанпарварлик ва фидойиллик туйғулларини кучайтириш, юксак дунёқарашни шакллантириш учун маънавият ва маърифат ташкилотлари фаол иш олиб бориши лозимлиги таъкидланди. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг талабга жавоб бермаслиги, билим савияси юқори, ҳаёт тажрибасига эга бўлган фаоллар ва эзиллар бу ишга кенг жалб этилмаётгани таъкид қилинди. Инги-

(Давоми 2-бетда).

## Жойлардан хабарлар

Футбол. Осиё чемпионлар лигаси

“Пахтакор” аввалги икки рақибини енгиб, “Д” гуруҳида етакчиликти ўз қўлига олган бўлса-да, ярим финалга чиқиш учун сўнгги уйида “Ал-Талаба” билан энг қамида дуранг ўйнаши лозим эди.

### «Пахтакор» ярим финалда



Виктор Жалилов шогирдларининг Эрон чемпиони билан кечган баҳсдан сўнг, ироқликлар мураббийи Топир Аҳмад “Пахтакор” барча кўчини “Пируз”га сарфлаб бўлди. Энди бизга қурбни етиши қийин” деб шогирдларининг галаба қозонишига ишона бошлаганди.

“Пахтакор” — “Ал-Талаба” учрашувидан олдин майдонга тушган “Пируз” — “Ниса” жамоалари баҳсида Туркменистон чемпиони яна маълумиятга учради. 4:1 ҳисобида галаба қозонган эронликлар кейинги ўйин натижасини кўтишга мажбур эдилар.

(Давоми 4-бетда).

## «Қамолот»чилар анжумани

Республика “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманида “Харақатнинг қишлоқ хўжалиғи соҳасидаги бошланғич ташкилотлари ўрни ва истиқболдаги вазибалари” мавзусида республика анжумани ўтказди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ҳаракат фаоллари иштирок этишди.

Уни ўтказишдан мақсад “Қамолот”нинг қишлоқлардаги ўрни, ёшларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилини, бошланғич ташкилот билан мактаблар, ўз-ўзини бошқариш муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик қўламинин янада кенгайтиришдан иборат.

Семинарда тумандаги Султон Сегайбоев номи ширкат хўжалиғи бошланғич ташкилот аъзоларининг ибратли ишлари, тажрибалари билан ҳам ўртоқлашди.

Широк БОЙМУРОДОВА,  
 ЎЗМУ талабаси.

### «Усто» намойиш этади

Мамлакатимизда халқ амалий санъатига эътибор ортмоқда. Республика “Усто” ижодий ишлаб чиқариш бirlашмасининг ташкил этилиши эса ана шундай хўнар соҳибларини бирлаштирди. Бугунги кунда “Усто”чилар яратган халқ амалий санъати асарлари нафақат юртимиздаги ҳашаматли кўнақларни безамоқда, балки давлатимизнинг ҳоридагилар элчиюналарига ҳам кўрк бериб турибди.

Республика Бадий Академиясининг Марказий кўرғазмалар залда очилган кўрғазма “Усто” бirlашмаси ташкил этилганлигининг беш йиллигига бағишланди. “Усто” намойиш этади”, деб номланган кўрғазмадан юртимиздаги ноёб хўнар соҳибларининг сара асарлари ўрни олган.

М.ТОҶИЕВА.

## Қиғир иш — келтирар ташвиш

# Кўринишидан МУСУЛМОНУ...

Ҳозирги пайтда ёш болага ҳам “Бой бўлишни истайсанми?” десангиз “Абатта”, деб жавоб бериши тайин. Лекин риштонлик Ҳайитали Нишонов бу саволга бироз ўйлаб қолиши турган гап. Нега дейсанми? Ундай бўлса жавобини эшитишга сал шовинмай туриш. Яқин-яқинда ҳам Ҳайитали байиш ҳаракатида эди. Бироқ...

У хаёлида ажабtovуr бизнес-режани туну кун ўйлаб бошлади. Ҳозир пул савола, дея бошқа ишларни йиғиштириб, Гулистонга йўл олди. Гулистон — Оқолтин бурилишида турган юк машиналари ёнига келиб, ҳайдовчиларга гап солди. Мақсадини аниқ айтмади:

— Гапнинг дангали биз борамиз, ака, лекин айтиб қўяй, бу қалтис иш, — деди ўзи тенги бир йигит.

— Фаргона вилоятининг Риштон шаҳрига юкни олиб борангиз, 200 минг сўм бераман, — деди Ҳайитали.

У деб-бу деб, хуллас, 350 минг сўмга келишиди. Вақда кўра 16 январь куни соат 17 да Сирдарё туманидаги Иброҳим Қаримов номи ширкат хўжалигидан ўтадиган қатта анҳор бўйида Олимпбой “Кра3” рудумли машинасида шериги билан Ҳайиталини кутиб турди. Анҳорнинг нариги томони кўшни Қозғистон Республикасида қарашли қишлоқ Ҳайитали шу томондан анҳор устига қурилган ясама кўприк орқали ўтиб келди. Улар билан саломлашган, машина юкхонасини кўприкка тўғрилашни айтиди. Ҳайиталининг имоси билан эса аёл етакчилигидея тўрт забардаст йигит нимадир солинган елим кутиларни машинага юклай бошлади. Сунгра Ҳайитали Расулга:

— Сизлар жўнайверинглар, Анграндаги “Мажнунтол” чойхонасида учрашамиз, — дея уларга оқ йўл тилади.

Юк ортилган машина

“Ўзбекистон” ширкат хўжалиғи ҳудудда жойлашган “Бўстон” ресторанига етиб келганида, йўл четида турган милиция ходими машинани тўхтатишга ишора қилди. Олимпбой Расулга кўз қисганича, “тўхтатчи” деди. Сўнг шайтонлиги тудди чоғи, бошига така ки-йиб машинадан тушди. Пул учун иймонидан кечди. Узини ҳожки бува/астағфидуллоҳ/ деб таништириб, бир қишлоқдан шоли олиб кетганганини айтиди. Шубҳаланмаган милиция ходими “ҳожки бува”дан уэр сўраб, оқ йўл тилади.

Ҳийласи ўтган маккор анча руҳланиб кетди. Узинча хиргойи қилишга ўтди. Шу куйи улар ўтирган машина Сайхунбод туманининг Тошкент вилояти билан чегара постига етиб келди. ДАН ходимлари машина юкхонасини текширгач, шолининг ҳужжатини сўради.

(Давоми 2-бетда).



Мустақиллик — олий неъмат

Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягонадир. Бу гўзал юрт, муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуг туйғу, ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Ислом КАРИМОВ.

Хар қандай хайрли иш, аввало орзудан, ниятдан бошланади. Инсоннинг аввалбошдан нияти эзгу, орзуси мусоффо бўлиши керак. Ўзбек оиласида ўз фарзандларига фақат яхши сўзлар, яхши амаллар, яхши тиллашлар билан яшашни мураккабдан ўргатадилар. Шунинг учун ҳам халқимизнинг кўнгил тоза, қалби покдир. У қаршидаги инсонни оддий ўтқинчи деб ҳисобламайди, балки қандайдир фазилят эгаси ёки мўъжизалар яратувчи, деб билади. Шунингдек, ҳар бир тонг ёришуви ҳам табиатнинг одатдаги оддий ҳодисаси сифатида қабул этилмайди, балки тарихга қолдириган эзгу иш худди шу бугун содир этилиши ният қилинади, яъни ҳар кун қадр-қиммат манбаи сифатида кутиб олинади.

Истиқлол — қалби ана шундай эзгу тиллашларга тўла халқ учун Аллоҳдан берилган жуда катта тухфа бўлди. Мана, бу йил ўзбек халқи собиқ шўро тўзуми шароитида юрт муқаддаслигини биринчилар қаторида эълон қилган Юртбошимиз билан Истиқлол байрамини ўн иккинчи марта кутиб олади. Минг бор шукурки, бу йилларнинг ҳар бири тарихимизга муваффақиятлар тимсоли бўлиб ёзилмоқда. Бахтимиз ва толемимиз қаққашонига мустақилликнинг ўн иккинчи йили ана шундай кириб келмоқда.

Шукроналар билан шунини айтиш керакки, 1991 йилдан бундан ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир туман, ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоятда шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир яхши тилакли инсон ўзгача гурур, ифтихор билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда.

Ҳўш, бугунги яшашнинг, меҳнат қилишнинг илгариларидан қандай фарқи бор экан?

Аввало, биз бугун аллақандай тама ва мажбуриятлар билан ўзга тилларда га-

пиришга, ўзгача русумларга тақлид қилишга, ёт қадриятларни ўзимизники, дея тилғамалик қилишга маҳкум эмасмиз. Энди биз яйрасак бошқаларникидан гўзалроқ ўз боғларимизда яй-

# ҲАР КУНИМИЗ ҚАДР БЎЛСИН

райимиз, сайр қилсак бошқаларникидан юксакроқ ўз тоғларимизда сайр этамиз. Этиштирган ширин-шакар меваларимиз ўз дастурхонимизни обод этади. Тер тўкиб йиққан пахталаримиз вагонларда ер қуррасининг узоқ нуқталарига бежиз олиб кетилмайди. Инсон моддий тағилларга сабр-бардош билан дош бера олади. Бирок қорин қайғуси кетини билан инсоннинг орзулари ушалиб қолмайди. Инсон қорни учун эмас, қадри учун яшайди. Яъни ҳар бир инсон, ҳар қандай миллат борки, у ўз урф-одатлари, анъаналари, азалий маданияти билан тирик. Қарийб юз йилнинг у ёқ-бу ёғида ўз урф-одатларига амал қилишдан ҳадиксириб яшаган халқнинг, эзгу амалларини ифода этган байрамларини «эскилик сарқити», «ўтмишнинг зарарли қолдиги», дея эълон қилинган миллатнинг маънавий бойликларини тўлатқис қайтариб берган истиқлолдан нечоғли мамнун эканлигининг таърифи тил оқиз.

Ўз юртимиз тупроғида буюқ алломамиз, юртдошимиз Имом Бухорий ҳазратлари ётганини кўпчилик истиқлол туфайлигина идрок этдик. Биз ўз кутбларимиздан маҳрум этилган сайёх

эканимизни ўшанда англадик. Миллатимиз кутби бўлган, нафақат Туркистон ўлкаси, балки ноёқ тафаккурда улкан қуёш бўлган бобоклонимиз илмидан бугун истиқлол туфайли баҳраманд бўлиб турибмиз. Ҳазрати Имом Бухорий мақбараси Юртбошимиз ташаббуси билан тикланди, муҳташам ва муносиб зиёратгоҳга айланди. Бугун бугун дунё халқлари бу ерга узоқ-узоқ ўлкалардан келиб зиёрат қилмоқдалар. Ростини айтганда, бу каби тадбирлар халқимиз учун яқин-яқин вақтларга қадар ушалмас орзу эди. Уларнинг рўёбга чиқишига истиқлол имкон берди. Мус-

ланган бинолар — банклар, театр, стадион ва маъмурий бинолар бутун Европа шаҳарлари билан тенглашишга интилаётганга ўхшайди. Андижонда, умуман Фарғона водийсидаги қафдек текис, равон, атрофлари манзарали дарахт ва гуллар билан безалган йўллардан ўтсангиз, бутун борлигинингизни заўқ қамраб олади. Бу йўлларни ўзбекининг автолари безаганига нима етсин. Тоғни тешиб Қамчиқ довоғида қурилган кенг ва равон йўл, Қизилқум орқали Нукусга олиб борадиган темир йўлимизнинг ўзи Ўзбекистоннинг бугунги яратувчилик қудратидан дарак беради.

ишонч билан айтиш мумкинки, халқимиз ўтган давр мобайнида маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам асрларга татигулик ютуқларни қўлга кирита олади. Бу каби ўзгаришларнинг бошида республикамиз Президенти Ислам Каримов турганини бугун ҳар бир яхши тилакли инсон миннатдорлик туйғуси билан таъқилламоқда. Айниқса, ушбу йилимизнинг Президентимиз томонидан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши нур устига аъло нур бўлди. Демак, маҳаллаларимиз обод ва ороий бўлса, она-Ватанимиз жамоли янада кўрак ва муҳташам бўлади.

Буюқ мутасаввуф, ҳожагон тариқатининг асосчиларидан бири Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади, улуг зот мақбараси қайта тикланади, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд маъмуаси янгидан таъмирланади. Бу кутлуг ишлар ҳам Юртбошимиз номи билан боғлиқдир.

Қисқаси, халқимиз ўн икки ном билан аталган, мучал йили ҳисоби бўйича кўй йилида Истиқлолнинг ўн икки йиллигини нишонлайди. Барча аломатларни яхшиликка ва орзу-истакларга йўядиган халқимиз шу ўн икки сонининг ўзидан ҳам, йилнинг рўзгор тўқинсончилигини барқарор этувчи қўй билан аталишидан ҳам бир олам яхшилик, барак кутади. Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Тошкентнинг ўн икки буржи англатувчи ўн икки дарвозаси бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Ўн икки сонининг биз билмаган, аммо асрлар давомида ота-бобларимиз амалий синовдан ўтказган кўплаб хосиятлари бўлса, ажаб эмас, Аммо биз шунини яхши биламизки, халқимизнинг нияти, тилаги эзгу ва беғубор! Ана шундай яхши ниятли инсонларга доим яхшиликлар ёр бўлғусидир.

Мамлакатимиз юзи ҳисобланган Тошкент кун сайин чирой очмоқда. Юртбошимиз ташаббуси ва сай-ҳаракатлари билан қисқа вақт мобайнида қуриб йишга туширилган консерватория, қайта қурилган Ўзбек миллий академик драма театри, нақшинкор Туркистон саройи, Марказий ва Миллий банкнинг бетақдор бинолари, Шаҳидлар майдони ва қатагон қурбонлари музейи, шунингдек, кўплаб осмонўпар иншоотлар, кенг ва равон ички айланма йўл, метронинг Юнусобод йўли, бир неча километрларни ташкил этувчи, шаҳарга ўзгача чирой ва саранжомлик бағишлайдиган маҳобатли кўприклар Тошкентни дунёнинг энг гўзал шаҳарлари қаторига қўшди.

Тўғри, мустақиллик ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Комил

Барот БОЙҚОБИЛОВ.



Янгиликлар, воқеалар, далиллар



## Мумбайдаги кўпоровчилик

Сўнгги маълумотларга кўра, Ҳиндистоннинг Мумбай (Бомбей) шаҳрида йўловчи поездида содир этилган портлаш оқибатида 15 киши ҳалок бўлган, юзга яқин киши яралган. Айни пайтда жароҳатланганларнинг ўн беш нафари оғир аҳволда.

Полиция ушбу ҳодисани террорчилик деб баҳоламоқда. «Рейтер» агентлигининг хабарига қараганда, ҳозирча ҳеч ким кўпоровчилик учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олмаган.

## Коррупцияда айбланмоқда

Бразилияда коррупцияда айбланётган 24 нафар полициячи мамлакат жанубида, Парагвай билан чегара яқинидаги Фоз шаҳрида қўлга олинган. Полиция вакилининг айтишича, улар контрабандачилардан пара олганлиқда гумон қилинмоқда. Операция давомида яна бир нечта божхона ходими ва контрабандачилар ҳам ҳибсга олинган.

## Номаълум вирус

Гонконг шифохоналарида номаълум вирус пайдо бўлди. Тез тарқалувчи ва ўта хавфли бу вирусдан касалланган беморларнинг бири оламдан кўз юмди, яна бир неча кишининг ҳаёти хавф остида.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш департаменти матбуот котибининг айтишича, аини пайтда вируснинг аҳоли ўртасида тарқалаётганлиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Шундай бўлса-да, вирус тарқалган шифохоналар яқинида яшовчи аҳоли дорихоналардан жарроҳлик ниқоблари сотиб олишмоқда.

«Рейтер» мухбирининг хабарига қараганда, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти Гонконгга ушбу вирусни аниқлаш учун ўз вакилини юборган.

## Бош прокуратура тавсияномаси

Туркия Бош прокуратураси мамлакат Конституцион судига қурдларнинг асосий сиёсий партияси — Халқ демократик партияси фаолиятини тақиқлаш бўйича тавсиянома юборган. Мамлакат Бош прокурори Собих Канадоглу ана шу ҳақда маълум қилган, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.



## Энг бадавлат мусиқачилар

«Rolling Stone» журнали энг бадавлат мусиқачиларнинг рўйхатини эълон қилди. Унда мусиқачилар ичида биринчи миллиардер — Пол Маккартни шохсупанинг энг юқори пагонасини эгаллаб турибди.

Маккартни ўтган йилда 72,1 миллион доллар даромад қилган. 44 миллион доллар ишлаган «Rolling Stone» гуруҳи иккинчи ўридан жой олган. «Dave Mathews Band» гуруҳи 31,3 миллион фойдаси билан учинчи ўринда.

## «ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ҲАМИЯТИНИНГ

2002 йил якуни бўйича 2003 йил 28 мартда бўладиган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги 1708-ф-сонли фармоиши ижросини бажариш мақсадида киритилган қўшимча масала.

1. Ҳамиятнинг низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.

Кузатов кенгаши.



# «ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ

бутун Ўзбекистон халқини баҳор байрами — **Наврўз** билан самимий табриклайди!

Сизларга тинчлик ва бахт, фаровонлик ва кўтувлик тилаймиз.

Наврўз арафасида сизлар учун, азиз юртдошлар байрам совғаси, тайёрлаб қўйдик.

2003 йил 14 мартдан бошлаб «Ўздэу авто» автомобиллари **10** фоизгача арзонлашган нархларда сотилмоқда.

«ЎЗДЭУАВТО»: АВТОМОБИЛЛАРИМИЗ ҲАМИША ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!



